БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 140 (4239)
23 ИЮНЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

### ПРАВДА саҳифаларида

⊙ Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXIV мажлисида Вьетнам Социалистик Республикасининг делегациясига бошчилик қилган ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг Прагадан қайтаётиб, 21 июнда Москвада тўхтади.

⊙ «Меҳнаткашнинг обрўйи» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

⊙ Ғалла омборлари ҳосилни қабул қилиб олишга тайёрми? Газетанинг «Нон учун уй» сарлавҳали бугунги иқтисодий обзори чўл «осмонўпарлари» — элеваторлар қўригига бағишланган.

⊙ Навбатдаги «Ҳамдўстлик» саҳифасида эълон қилинган «Икки ўн йиллик маррасида» сарлавҳали мақолада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари экономикасининг динамик ривожланиши, ана шу жараённинг 80-йиллардаги асосий йўналишлари ҳақида фикр юритилади.

⊙ «Янгиликлар панорамаси», газетага йўлланган мактублар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

# ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ВАҚТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛСИН

## ПОЙТАХТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Область партия комитетининг мажлислар залида пойтахт область ва Тошкент шаҳар партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1980 йилда ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш тўғрисидаги кўрсатмаларини ва республика партия активи йиғилишининг ана шу масала бўйича қарорини бажариш соҳасида область ва шаҳар партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама этдилар. Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский доклад қилди.

—Пойтахт области ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари, — деди докладчи,—КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Съезд томонидан белгилаб берилган энг муҳим вазифалар орасида партия капитал қурилишга, ишга тушириладиган объектларни вақтида фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Қурувчилар, монтажчилар ва эксплуатациячиларнинг фидокорона ва зўр бериб қилган меҳнатлари натижасида бу йил кўпгина муҳим объектлар фойдаланишга топширилди. «Узбекшахтастрой», Ўзбекистон ССР Қурилиш Министрлигининг 160-, «Узбекгидроэнергострой», «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трестлари, 2-уйсозлик комбинати, «Ташкентводстрой» ва бошқа кўпгина трестларнинг коллективлари социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Тошкент шаҳри ва пойтахт областидаги илғор бригадалар ўртасида бошланган «ҳар бир қурилишга—бригада пудрати» ташаббуси кенг қулоч ёйди. 305 қурилиш ва монтаж коллективлари бу ташаббусни қувватладилар ва хўжалик ҳисобида ишлаб, юксак натижаларга эришмоқдалар.

1980 йилнинг муҳим объектларини тезроқ фойдаланишга топшириш вазифаларига бағишланиб 18 июнда ўтказилган республика партия активи йиғилишида ана шу ишларнинг муҳим томонлари аниқлаб берилди. Область қурувчилари ва монтажчилари ишга тушириладиган барча объектларни вақтида ва муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар, улар объектларни бир меъёрда юқори сифатли қилиб қуришга сўз бердилар. Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўтган беш ой мобайнида областнинг кўпгина шаҳар ва районларида ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда уй-жой ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш ишлари ҳамон кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида, Тошкентнинг Киров, Октябрь, Чилонзор районларида асосий фондларни ишга тушириш қониқарсиз аҳволда олиб борилмоқда. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда.

Партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари қурилишда интизомни мустаҳкамлаш, кадрларнинг ишониб топширилган ишга нисбатан масъулиятларини ошириш, кучларни ишга тушириладиган қурилишларга тўплаш, объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш масалалари устида бирмунча принципиал ва қунт билан иш олиб боришлари керак. Қурилиш ва монтаж ташкилотларининг раҳбарлари ўзлари қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига катта масъулият билан ёндошишлари керакки, токи сўз билан иш бир бўлсин.

Қурилишда ишга туширилиш олдида зўр меҳнат ғайрати авж олган, ҳар бир минутдан самарали фойдаланилиши лозим бўлган ҳозирги долзарб кунларда буюртмачи-ташкилотлар, уларга қарашли капитал қурилиш билан банд бўлган кўпсонли хизмат бўлинмаларининг роли катта. Айнан ҳозирги пайтда улар аниқ ва тезкорлик билан иш олиб боришлари керак. Буюртмачилар зудлик билан қурилиш ишларига аралашишлари, ҳар бир қурилиш учун зарур бўлган ускуналар ва материалларнинг ўз вақтида етказиб берилиши масалаларини узил-кесил ҳал этишлари керак.

Камчиликларни қатъий бартараф этиш, комплектлаш, ишга тушириладиган қурилишларни ускуналар, кабель маҳсулотлари, махсус материаллар ҳамда эксплуатация қилувчи кадрлар билан таъминлаш масалалари билан астойдил шуғулланишлари керак. Шаҳар ва район партия комитетлари,—деб таъкидлади докладчи,—буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг бошланғич партия ташкилотларига, уларнинг коллективини ишга тушириладиган объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга сафарбар этишдаги ишларига кўпроқ ёрдам кўрсатишлари керак.

Докладда беш ой мобайнида капитал маблағ ўзлаштириш планини бажармаган уй-жой қурилиши ишларидаги аҳволга катта эътибор қаратилди. Айниқса, Тошкент, биринчи навбатда «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш ташкилотлари уй-жой қурилишида анча орқада қолмоқдалар.

Уй-жой қурилишларида кўп ҳолларда ишчи кучлари, материаллар ва механизмлар етишмайди. Фойдаланишга топширилган уйларда инженерлик коммуникациялари чала битказилган, уларни паст сифатда қабул қилиш, шу сабабли узоқ вақт кишиларнинг кўчиб келмаслиги ҳоллари учраб туради. Областдаги бир қатор шаҳарлар ва районларда мактаб ва болалар муассасалари қурилиши сустлик билан олиб борилмоқда.

Уй-жой қурилиш сифатини яхшилаш, унинг комфортабеллигини ошириш қурилиш ишлаб чиқаришининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу масалани давлат интизомларининг ҳар қандай бузилишларига қарши саботли кураш олиб борилган, ишлаб чиқариш технологияси ҳамда объектларни фойдаланишга қабул қилиш технологиясида қаттиқ тартиб ўрнатилган тақдирдагина ҳал этиш мумкин.

Кейинги йилларда янги типовой лойиҳа бўйича қурилган уй-жойлар, мактаб ва бошқа объектлар ўзининг архитектура формаси, ички планлаштирилиши ва сифатли пардоз қилинганлиги билан ажралиб турибди. Шу билан бирга, уй-жойларнинг 65 процентга яқини ҳозиргача эски ёки яхшиланган серияда қурилмоқда. Лойиҳа ва илмий муассасалар, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, корхоналар ва буюртмачиларнинг лойиҳа ишларининг юксак техника ва иқтисодий даражада ҳал этилишига бўлган роллари ва масъулиятларини ошириш керак.

Шу билан бирга, қурилиш ишлари сифатини кескин ошириш зарур. Бу борада Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура планлаштириш Бош бошқармаси, пойтахт область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларининг қурилиш ва архитектура ишлари бўйича бўлим ва бошқармалари бу масалага ўз таъсирларини етарлича ўтказаётганликлари йўқ. Лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг сифати устидан қаттиқроқ назорат ўрнатиш зарур.

Йил давомида объектларнинг бир меъёрда ишга туширилишини, сифат ҳамда бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашни таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири-бригада пудратини жорий этиш ҳисобланади. Тошкент ва пойтахт областидаги 11 та трест ва 20 та илғор бригадаларнинг коллективлари ўзаро бригада пудратининг оммавийлиги ва самарадорлиги учун социалистик мусобақа шартномасини туздилар. Беш ойлик иш якунига кўра, барча қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 55 процентга яқини бригада пудрати методи асосида бажарилган, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 процент кўпроқ кўрсаткичга эришилди, демакдир.

Шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари, шаҳар ва районларнинг ижроия комитетлари, касаба союз ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда бригада пудратининг кенг ёйилишига ва янада такомиллашувига эришишлари, бунда инженерлик тайёргарлиги ҳамда қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишга, хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригадаларнинг йиллик ва перспектив иш планларини жорий этишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантиришни тезлаштиришга, уларнинг қувватини оширишга, ишлаб турган саноат қурилиши материаллари ва конструкциялари корхоналари ишини яхшилашга тўғри келади.

Йирик панелли уйсозлик ҳамда йиғма темир-бетон буюмлари корхоналарини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва қуриш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Масалан, 1979 йилда Тошкентда янги қувватлар қурилди ва ишга туширилди, ишлаб турган уйсозлик комбинатлари реконструкция қилинди ва кенгайтирилди. Уй-жой проблемасини ҳал этишни тезлаштириш учун ана шу ишларни жадал суръатлар билан амалга ошириш керак. Шаҳар ва районларнинг партия комитетлари бу ишлар устидан партиявий назоратни бўшаштирмасликлари керак.

Муҳим объектларни фойдаланишга топширишни тезлаштиришда область, шаҳар ва район партия комитетларида тузилган партия штаблари катта ёрдам кўрсатишлари керак. Қурувчиларга катта ғамхўрлик кўрсатиш, социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш, унинг бирмунча амалийлигига эришиш зарур. Ана шу муҳим ишга касаба союз ва комсомол ташкилотларини жалб этиш, халқ контроли группа ва постларининг ишини активлаштириш керак. Ишга тушириладиган объектларда олиб бориладиган жамики оммавий-агитация ишлари ана шу мақсадга қаратилмоғи керак. Қурилишлардаги партия ташкилотлари камчиликларни топиш ва бартараф этишнинг синалган воситаси бўлган танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, қурилиш ва монтаж бўлинмаларининг, барча меҳнат коллективлари, қурилиш индустрияси, шунингдек буюртмачи корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари шаҳардаги ишга тушириладиган барча объектларнинг вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш учун куч-ғайратларини аямайдилар, беш йилликнинг якунловчи йилини, яқинлашиб келаётган партия XXVI съездини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз, дейди сўзининг охирида Ф. Г. Потуремский.

Партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин сўзга чиқди. Тошкент меҳнаткашлари, деди у, — 1978—1980 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг давлат планларида кўзда тутилган объектлар қурилиши муддатини қисқартириш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама кенг қулоч ёйдириб юбордилар.

Халқ хўжалигини ривожлантириш, уй-жой, маданий-маиший, транспорт, коммунал ва қурилишнинг бошқа кўринишларига жами 2,3 миллиард сўм ҳажмда капитал маблағ ажратилди, бу тўққизинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан 45,7 процент кўпдир.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ва 1980 йилнинг беш ойи мобайнида шаҳарда кўпгина қурилиш майдонлари, ишлаб чиқариш қувватлари, цехлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Буларни трактор, «Ташсельмаш», «Миконд», «Вторцветмет», енгил металл конструкциялари, ностандарт ускуналар, ошхона мебеллари, 243-граждан авиацияси заводларида, абразив буюмлари, тўқимачилик комбинатларида, кўнгалантерея буюмлари ва спорт товарлари фабрикалари ва кўпгина бошқа корхоналарда кўриш мумкин. Умумий майдони 3 миллион квадрат-метрга яқин уй-жой, 37 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 2190 ўринли касалхона, 3950 кишига хизмат кўрсата оладиган поликлиникалар, 19 минг ўринли болалар муассасалари, бошқа муҳим социал-маданий объектлар қурилди.

Капитал қурилиш суръати бу йил ҳам ўсиб бормоқда. Беш ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал маблағ сарфи, асосий фондлар ва уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажми ўсди.

Эришилган ютуқлар — бу ишчи ва хизматчилар фидокорона меҳнатларининг, коммунистларнинг мақсадга мувофиқ олиб борган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, бошланғич партия ташкилотларининг ўз коллективлари ўртасида КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш, беш йилликка зарбдор якун ясаш учун социалистик мусобақани авж олдирганликлари натижасидир.

Биз қурувчилар ва монтажчилар, қурилиш индустрияси ходимлари, лойиҳачилар эришган ютуқлар тўғрисида гапирар эканмиз, шу билан бирга капитал қурилиш ишлари, айниқса унинг сифат ва самарадорлигини ошириш ишлари аҳволи партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари талабларига тўла жавоб бера олмаслигидан кўз юмиб ўта олмайсиз.

Биз тугалланмаган қурилиш объектлари ҳажмини камайтира олмадик, у тобора ўсиб боряпти. Бу ҳолат халқ хўжалик объектларини фойдаланишга топшириш муддати кўп ҳолларда бажарилмаётганлигидан келиб чиқмоқда. «Ташсельмаш», экскаватор, «Таштекстильмаш» заводлари, чўтка фабрикаси, химия фармацевтика заводи каби бир қатор корхоналардаги объектларнинг ишга туширилиш муддати кўп марта кетга сурилди.

Шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари эътиборини ишларнинг амалийлигини, самарадорлигини ҳамда қурилишлар, буюртмачи корхоналар раҳбарларининг масъулиятлилигини оширишга қаратдилар. Улар ишга тушириладиган қурилишлардаги район ва шаҳар штаблари қурилишнинг боришига, унинг сифатини оширишга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга активроқ таъсир кўрсатишлари учун кўпгина ишларни қилмоқдалар.

Шаҳар ва район партия комитетлари ишга тушириладиган қурилишлар қатнашчилари бўлган коллективлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни бундан буён янада кенг йўлга қўйишни, бевосита объектларда катта тушунтириш ишларини олиб боришни ўзининг вазифаси деб билмоқдалар. Улар касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда ҳар бир ишчи, бригада, участка Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача ўзининг шахсий, йиллик ва беш йиллик планларини бажариш юзасидан социалистик мусобақанинг янада кенг авж олдиришини таъминлайдилар.

Шаҳар партия комитети бюросининг қарорига мувофиқ, ҳозирги пайтда ҳар бир ишга тушириладиган қурилишда, ҳар бир фойдаланишга топшириладиган объектда ишларни олиб бориш графиклари тузиб чиқилган. Уларда ижрочи масъул киши, муддат аниқ кўрсатилган, комплектлаштириш, механизация ва транспорт воситалари билан таъминлаш масалалари ҳал этилган. Уларнинг бажарилиши устидан партия, совет органлари, халқ контроли группа ва постлари, «Комсомол прожектори» назорати ўрнатилган.

Шаҳар қурувчилари ва монтажчилари, қурилиш индустрияси ходимлари белгиланган план ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун етарли даражада имкониятларга эгалар.

Актив йиғилишида сўзга чиққан пойтахт области партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари 1980 йилда ишга тушириладиган объектларни вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан ҳамма ёқда ишлар авж олдириб юборилганлиги партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, хўжалик раҳбарларининг Тошкент шаҳри ва пойтахт области меҳнаткашларини қурилиш ишларининг белгиланган планларини бажаришга сафарбар этишдаги фаолиятлари тўғрисида, меҳнат коллективларининг бир қатор муҳим объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун олиб бораётган курашлари тўғрисида гапирдилар. Шу билан бирга, музокарада сўзга чиққанлар йиғилиш қатнашчилари диққат-эътиборини қурилиш ишларидаги бир қатор камчиликларга, фойдаланилмай қолган имкониятлар ва резервларга қаратдилар, камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Куйбишев район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Т. Э. Эргашев район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод этилди. Б. Қ. Алиев Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин сўзга чиқди.

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Собир Раҳимов район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда район корхоналарида техника хавфсизлиги, ишчи ва хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари муҳокама қилинди. Шу ҳақда Собир Раҳимов район партия комитетининг секретари Д. Т. Мадикаримова доклад қилди.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси М. З. Зуфаров савдо умумий овқатланиш ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни КПСС XXV съезди талаблари асосида янада яхшилаш чоралари ҳақида ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

# МУСОБАҚАДОШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**«ТЕКСТИЛЬШЧИК» СОВХОЗИДАГИ ЧЎЧҚАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА ИШЛАЕТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛАРИ ЎЗАРО БЕЛЛАШИБ МЕҲНАТ ҚИЛИШЯПТИ.**



Чўчқахона блоклари комплекснинг бошқа иншоотлари билан ёнма-ён қад кўтаряпти. Кўпчилик объектларда том ёпиш ва монтаж ишлари олиб борилаяпти. Ўтган ҳафтада объектда юздан ортиқ механизм ва 600 ишчи қўлниқўлга бериб меҳнат қилди. Ҳар бир бинокор астойдил иш олиб бормоқда.

Чилонзорликлар ҳамон социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Улар иккинчи чўчқахона блокини бутун куч-қувватларини ишга солиб бунёд этишяпти. Яқинда бу объектга «Промгражданстрой» трестининг Б. Мунасипов бошлиқ комплекс бригадаси ҳам сафарбар этилди.

Куйбишев ва Собир Раҳимов районларининг ташкилотларидан келган меҳнатчилар ҳам бу муҳим халқ хўжалик объектида ўз фаолиятларини кучайтиришмоқда. Улар объектлар қурилиши бўйича белгиланган графикка амал қилган ҳолда иш бажаряптилар. Ишлаб чиқариш ва ташкилий масалаларни оперативлик билан ҳал этишмоқда.

Чўчқачилик комплекси қурилиши бўйича шаҳар штабининг Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида ва шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида объект қурилишида шаҳар ёритиш тармоқлари идораси мутахассисларининг яхши ишлаганлиги таъкидлаб ўтилди. Қисқа вақт мобайнида Б. Мирзаев бошлиқ электр монтажчилар бригадаси комплексдаги кўплаб объектларни электр билан таъминлаш вазифасини ҳал этдилар. Бу ишда З. Муҳамедов, П. Гринченко, А. Волков, Р. Габдубаров каби электр монтажчилар алоҳида ўрнак кўрсатишди.

«Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ремонт-қурилиш бошқармасининг Л. Растропин бошлиқ бригадаси аъзолари чўчқахона блокида том ёпиш бўйича монтаж ишларини бошлаб юбордилар. Бу бригада коллективи «Главташкентстрой»нинг Фрунзе районидаги ташкилотлари ҳисобидан меҳнат қилиб ибрат кўрсатишяпти. Меҳнат рақобатида монтажчи Г. Мороз, автокранчи М. Ҳакимовлар пешқадамлик қиляптилар.

Аммо Фрунзе райони раҳбарлари адресига штаб йиғилишида кўпгина эътирозлар ҳам билдирилди. Масалан, «Промстройкомплект» бирлашмаси объектга индустриал жиҳозлар етказиб бериш масаласини тезкорлик билан ҳал этмаяптилар. Бу жиҳозларнинг объектга узлуксиз равишда етказиб берилмаётганлиги чўчқахоналар блоки ва комплексдаги бошқа иншоотларнинг қурилиши, шунингдек монтажи бўйича иш муддатларини кечиктириб юбориши мумкин.

Объект қурилишида меҳнат қилаётган ташкилотларнинг вакилларига Ҳамза районидан келиб ишлаётган бунёдкорлар ҳам тенглашишлари зарур. Бу районнинг қурувчилари қозонхона қурилиши бўйича иш суръатларини жадаллаштиришлари тақозо этилади.

Умуман ишга тушириладиган ушбу объектда барча ишлар қатъий равишда белгиланган план асосида олиб борилаяпти. Тезкорлик билан бунёд этилаётган объектнинг барча қатнашчилари энг юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишга ҳаракат қилишмоқда.

* * *

**СУРАТЛАРДА: «Промгражданстрой» трестининг бригада бошлиғи Б. Мунасипов ва монтажчи С. Сачковлар қурилаётган объект биноларини чамалаш аппаратида кўздан кечиришмоқда; шу трестга қарашли 1-кўчма механизациялашган колоннанинг илғор экскаваторчиси А. Абдуллахўжаев.**

**В. Энкер** фотолари.



• ЯХШИ АНЪАНАЛАРИМИЗ

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тошкентдаги 9-полиграфия ўрта ҳунар-техника билим юрти ўзининг эшикларини 1931 йилнинг 15 мартида очганида ўша вақтда шаҳримизда катта воқеа бўлган эди. Бундан ярим асрча вақт илгари касб ўрганиш ва билим эгаллашга ташна бўлган кўплаб ёшлар ана шу билим даргоҳига орзу ва умидлар билан ошиққан эдилар. Ўша даврдан буён ана шу даргоҳни муваффақиятли битириб, ҳаётта йўлланма олган ҳунар эгаларининг умумий сони ўн мингта яқинлашиб боради.

Билим юрти ташкил этилганлигининг ярим асрлиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан бу ерда уч авлоднинг ҳаяжонли учрашуви ўтказилди. Байрамдагидек безатилган ўқув даргоҳига ана шу ерда ўқиган, ўқитувчилик қилган, шонли коллективга раҳбарлик қилган мўътабар кишилар ташриф буюришди.

Учрашувда номи ҳурмат билан тилга олинган кишилардан бири Маҳмуд Иброҳимовдир. У республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин ордени кавалери, шу ерда узоқ йиллар давомида директорлик қилган. Яна бир мўътабар отахон Ҳошим Алимов бўлади. Бу киши ҳам ана шу ерда узоқ йиллар давомида самарали мураббийлик қилиб, ҳозирда пенсионер. Ҳошим ака ўз ҳаётининг яна иккинчи истеъдодини давом эттирмоқда. Кўп йиллардан бери Октябрь районидаги «Илғор» маҳалласи комитетининг раисидир. Унинг шу кунлардаги ҳар бир куни тўй ва маъракаларга бош-қошлик билан ўтади.

Уч авлод учрашувида иккинчи бўғинга мансуб бўлган Ислом Шоғуломовнинг ҳаяжонли сўзларини тинглаш ҳам мароқли бўлди. Ислом Шомуродович ана шу билим даргоҳида матбаачилик касбининг сирларини изчиллик билан ўрганган эди. Эндиликда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори, тарих фанлари кандидати, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Назира Юсуповна Жуманова СССР халқ врачи деган фахрли унвонга сазовор бўлган. У 1941 йилда шу ерга келиб билим эгаллаган, ҳаёт йўлини топишда устозларига суянган. Ҳозирда у Наманган областидаги район касалхонасининг бош врачи, Ленин ордени кавалери.

Учрашувда сўзга чиққан учинчи авлодга мансуб бўлган, билим юртини битирувчилар Ирина Докучаева, Ҳулкар Аҳмедова матбаачилик касбини эгаллаганликлари, катта авлодга мансуб равишда ҳаёт йўлидан дадил қадамлар билан боражаклари ҳақида гапирдилар.

Полиграфия ҳунар-техника билим юртини бу йил 430 киши битирмоқда. Янги ўқув йили учун эса 420 киши қабул қилинмоқда. Шундай қилиб бу ерда ҳаёт бир маромда жўшқин ўтиб бормоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Алишер Навоий номли маданият уйи Октябрь районидаги кўпгина маҳаллаларнинг аҳолиси учун севимли масканлардан бири бўлиб қолган. Бу ерда турли хил тўгаракларда қатнашиш билан бирга, мароқли концертлар томоша қилиш мумкин, қизиқарли мавзуларда эшитиладиган суҳбатлар ҳам доимо мароқли бўлади.

Куни кеча бу ерда бўлган учрашувга «Ҳақиқат», «Иккинчи беш йиллик», Охунбобоев, Хислат номли маҳаллаларнинг аҳолиси тўпланди. Улар учун Октябрь район социал таъминот бўлимининг ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларига кўрсатаётган ғамхўрлиги, пенсия ва нафақа тўлаш ишларининг янгича тартиби ҳақида гапириб бердилар.

Район социал таъминот бўлими мудири Салим Бадалбоевнинг «Давлат нафақаларини тайинлаш тўғрисида янги низом» деган суҳбатидан жуда кўп қизиқарли фактлар билиб олинди.

Ҳозирги пайтда районда 17110 пенсионер бўлиб, шулардан 602 киши Улуғ Ватан уруши инвалиди, 980 киши Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 450 киши урушда ҳалок бўлган кишиларнинг оила аъзолари ҳамда меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган пенсионерлардир. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда районда 4300 она кўп болали ҳисобланади. Уларга пенсия ва нафақалар ўз вақтида расмийлаштирилиб, тарқатилмоқда.

